Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 20 МАЙ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 103 (13.166)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ислом Исмоилов олган сурат

ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ КЕНГАЙМОҚДА

Жорий йилнинг биринчи чорагида "Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси тизимидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган 22,4 миллион доллар миқдоридаги чармпойабзал маҳсулотлари экспорт қилинди. Аёллар ва эркаклар оёқ кийимлари ҳамда чармдан ишланган бошқа маҳсулотлар Италия, Корея, Туркия, Хитой, Покистон, Ҳиндистон каби бир қатор мамлакатларнинг бозорларига етказиб берилмоқда.

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган мамлакатимизда чармпойабзал соҳасини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишларга бағишланган матбуот анжуманида бу алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимизда тери хомашёсини қайта ишлаш, чарм маҳсулотларини тайёрлаш, пойабзал ва бошқа турдаги чарм ҳамда чарм атторлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, шунингдек, уларни рақобатбардошлилигини таъминлаш, мазкур йўналишда фаолият олиб бораётган корхоналарни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда.

Чармпойабзал соҳасини янада ривожлантириш бўйича вилоят ҳокимликлари билан ҳамкорликда корхоналарга чет эл инвесторларини жалб этиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш, янги корхоналарни ташкил этиш ва мавжуд ишлаб чиқариш объектларини модернизация қилиш мақсадида жорий йилда қиймати 150 миллион доллардан ортиқ бўлган 264 та лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган. Ушбу лойиҳалар ҳисобидан 3074 та янги иш ўринлари ҳам яратилади.

2016-2020 йилларда чармпойабзал соҳасида саксондан ортиқ инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши режалаштирилган. Уларнинг 34 таси мавжуд корхоналарни модернизация килишга қаратилган. 114,6 миллион доллар миқдорида инвестиция киритиладиган ушбу лойиҳаларнинг ишга туширилиши натижасида уч минг икки юздан зиёд аҳоли иш билан таъминланади. Ушбу йилларда мамлакатимизда аввал ишлаб чиқарилмаган ўндан ортиқ турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Тадбирда айтилишича, маҳаллийлаштириш дастурига кўра учта лойиҳа амалга оширилиб, импорт ўрнини босадиган 3 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган давр мобайнида 300 дан ортиқ янги моделдаги пойабзаллар ва 70 та янги турдаги чарм-атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди.

Тери маҳсулотларини ортиқча шикастлантирмасдан сифатли йиғиб олиш, шунингдек, бу борадаги ишларни тартибли ва белгиланган ҳудудларда амалга ошириш мақсадида барча вилоятларда намунавий қушхоналар ишга туширилмоқда.

Бугунги кунга қадар чармпойабзал маҳсулотлари Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Туркия, Қозоғистон, Корея, Россия каби 11 та давлатга экспорт қилинган бўлса, 2020 йилга бориб бу кўрсаткич 16 тага етади.

Уюшма томонидан кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам доимий эътибор қаратилмоқда. Касб-ҳунар коллежларида соҳага мутахассис тайёрловчи гуруҳларни корхоналарнинг жойлашувига қараб қайтадан ташкил этиш, уларнинг амалиётини бевосита корхоналарда тўлиқ ўтказилиши ҳамда келгусида уларни тайёр иш жойи билан таъминлаш борасида чоралар кўрилмоқда.

Анжуманда журналистларнинг саволларига мутахассислар томонидан жавоб қайтарилди.

Абдуалим САЛИМОВ

НЕФТЬ-ГАЗ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

"Ўзэкспомарказ"да "Ўзбекистон нефть ва гази – OGU-2016" йигирманчи халқаро кўргазмаси доирасида "Ўзбекистон нефть-газ тармоғи: технологиялар, инвестициялар ва тараққиёт" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.

"Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси томонидан "ITE Uzbekistan", "ITE" компаниялар гуруҳи ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда ўттизга яқин мамлакатдан тўрт юздан зиёд олим ва мутахассис иштирок этди.

Конференцияда "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси бошқаруви раиси А.Султонов, Энергетика масалалари бўйича Европа комиссияси вице-президенти М.Шефчович ва бошқалар Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларида, жумладан, нефть-газ саноатида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон улкан углеводород захираларига эга. Мамлакатимизда нефть-газ саноатининг янги иншоотларини барпо этиш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш ишлари жадал давом этмоқда. Жаҳондаги етакчи инвесторлар иштирокида ўнлаб юқори технологик лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётир. Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 4 мартдаги "2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.

"Ўзбекнефтгаз" бир неча йиллардан буён "Лукойл", "Газпром", "Петромаруз" (Россия), "KNOC", "Kogas", "Lotte Chemical" (Корея Республикаси), CNODC (Хитой), "PetroVietnam" (Вьетнам), "Sasol" (Жанубий Африка Республикаси) каби нуфузли компаниялар билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Биргаликда геология-қидирув ишларини ўтказиш, нефть ва газ конларини ўзлаштириш борасида қатор йирик сармоявий лойиҳалар амалга оширилаётир. Хусусан, шу йил 19 апрель куни Бухоро вилоятида "Лукойл" компанияси билан ҳамкорликда Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси қурилиши бошланди. "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси томонидан 2015-2019 йиллар давомида чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорликда 54 сармоявий лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Жорий йилда умумий қиймати 20,6 миллиард долларлик 38 инвестиция лойиҳасини бажариш режалаштирилган.

"Ўзбекнефтгаз" корхоналари Ўзбекистон Фанлар академияси институтлари ва олий ўқув юртлари билан янги технологияларни жорий этиш бўйича кўплаб лойиҳаларни амалга оширмоқда. Мамлакатимиздаги илмий-тадқиқот институтлари томонидан ишлаб чиқаришга татбиқ этилаётган инновацион лойиҳалар туфайли нефть ва кимё соҳасида ҳам кўплаб янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига эришилмоқда. Маҳсулотлар сифати янада яхшиланиб, жаҳон бозоридан мустаҳкам ўрин эгалламоқда.

– Ўзбекистон табиий газ қазиб олиш ва қайта ишлаш борасида улкан салоҳиятга эга, – дейди Халқаро газ иттифоқи бош котиби Пол Расмуссен. – Мазкур конференция ушбу соҳадаги ютуқлар, анъана ва йўналишлар билан танишиш имконини берди. Шу билан бирга, нефть-газ саноатини янада ривожлантиришга, фойдали бизнес алоқаларини ўрнатишга, соҳада халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Конференцияда Ўзбекистон нефть-газ саноатининг сармоявий салоҳияти, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, қўлга киритилаётган ютуқлар, янги имкониятлар, углеводород базаларини кенгайтириш, нефть ва газ конларини аниқлаш ва қазиб олиш самарадорлигини янада ошириш, халқаро ҳамкорликда ҳаётга изчил татбиқ этилаётган қўшма лойиҳалар, муқобил ва қайта тикланадиган энергия манбалари, энергия самарадорлигини оширишга доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди, маърузалар тингланди.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги қоракўлчиликка ихтисослашган "Қизилқум" ширкат хўжалигида қоракўл терисини экспортга тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва қоракўлчилик маҳсулотлари экспортини кенгайтиришга бағишланган кўргазмали ўқув-семинар бўлиб ўтди.

• Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг кенгайтирилган сайёр йиғилиши бўлиб ўтди.

• Нукусда "Онам айтган аллалар" фестивалининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Тахтакўпир туманининг "Мерос" фольклор жамоаси ғолиб бўлди ва фестивалнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

• Андижон давлат университетида "Тафаккур синовлари" республика танловининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди. Андижон давлат университетининг "Андижон ёшлари" жамоаси ғолиб деб топилди ва танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Наманган муҳандислик-педагогика институтининг "Истиқлол фарзандлари" жамоаси иккинчи, Фарғона давлат университетининг "Сарбон" жамоаси учинчи ўринга сазовор бўлди.

• Нукусда "Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар ёшлар нигоҳида" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Барча шартлар бўйича энг юқори балл тўплаган Нукус шаҳрининг "Жайхун" жамоаси биринчи ўринни эгаллади ва танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

ЖАҲОНДА

• Австралиянинг Янги Жанубий Уэльс штати Оберн шаҳридаги заводлардан бирида кучли ёнғин рўй бериши натижасида икки киши жароҳатланди, юзга яқин киши хавфсиз жойга кўчирилди. Ўндан ортиқ ўт ўчирувчилар бригадаси талафот оқибатларини бартараф қилиш ишларига жалб этилган.

• Google компанияси картиналарни рақамли шаклга айлантириб, уларни бир гигапикселли сурат сифатида сақлаш қобилиятига эга махсус Art Camera фотокамерасини тақдим этди. Авваллари битта тасвирий санъат асарини рақамлаштиришга суткалаб вақт кетган бўлса, энди бир метрга бир метрлик картинани сканерлаш вақти ярим соатгача қисқарди.

• Венесуэла АҚШ нефтни қайта ишлаб чиқарувчи заводлари учун курашиб, нефть учун етти йил мобайнидаги энг катта чегирмани таклиф қилди. Бу АҚШ нефтни қайта ишлаб чиқарувчи заводларига нефть етказиб бериш бўйича учинчи ўринда турувчи Мексиканинг бозордаги улушини Канада ва Яқин Шарқ нефтидан ҳимоя қилишга уринаётган вазиятда юз бермоқда.

Парламент эшитуви

ДЕПУТАТЛАР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ АХБОРОТИНИ ЭШИТДИЛАР

Жорий йилнинг 19 май куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ташаббусига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар соғлиқни сақлаш вазири А.Алимовнинг фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ахборотини эшитдилар.

Мажлисда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини янги даражага кўтарганлиги, бу эса фуқаролар соғлиғини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётганлиги қайд этилди. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оилаларни мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишни таъминлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлашга ҳамда турмуш даражасини оширишга имкон беради. Бунинг учун мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб, улар доимий тарзда такомиллаштириб борилмоқда. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар самарадорлигини янада оширишнинг муҳим босқичи бўлди.

Депутатлар Ўзбекистонда аҳолининг барча қатламлари учун тиббий ёрдамдан фойдалана олиш ҳуқуқи, ижтимоий ҳимояланганлик принциплари асосида фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилишга доир ҳуқуқларини давлат томонидан кафолатлашни таъминлаш юзасидан изчил ишлар олиб борилаётганлигини, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўрилаётганлигини, ушбу соҳага ажратилаётган бюджет маблағлари ошиб бораётганлигини алоҳида таъкидладилар.

Парламент аъзолари эшитув давомида ўзларини қизиқтирган барча саволларга тўлиқ жавоб олдилар.

Мажлисда фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасидаги тармоққа оид қонунларнинг амалга оширилиши ҳолатига ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, "Психиатрия ёрдами тўғрисида"ги қонуннинг ижро этилиши масалалари ҳам кўриб чиқилди. Ушбу қонунга асосан аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш, шу жумладан, текширувдан ўтказиш, тиббий-ижтимоий реабилитация, шунингдек, тегишли муассасалар фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, депутатлар айрим муассасаларнинг моддий-техник базасини ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга, улар фаолиятининг самарадорлигини ҳамда касалликларнинг олдини олиш ва даволашга доир ишлар сифатини янада оширишга қаратилган тавсияларни баён этдилар.

Қонунчилик палатаси қўмиталарига ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларини синчиклаб инвентаризациядан ўтказиш ва амалдаги қонун ҳужжатларини ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш тавсия этилди.

Ахборотни эшитиш якунларига кўра Қонунчилик палатаси тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати

ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси ҳамда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши билан ҳамкорликда "Партиянинг дастурий мақсадлари ва унинг электорати манфаатлари ҳамда ҳудудларнинг ривожланиш дастуридан келиб чиқиб халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш" мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

Депутатлар фаолияти самарадорлигини янада ошириш, маҳаллий ва давлат ҳокимияти органлари устидан парламент ва депутатлик назоратини кучайтириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича депутатларнинг касбий маҳоратларини янада ошириш мақсадида ташкил этилган семинар-тренингда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, шаҳар ҳокимлиги, ҳудудий партия ташкилоти раҳбарлари, партия фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

Семинарда партия гуруҳларининг қонунчиликда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва ваколатларини самарали амалга ошириш усуллари муҳокама қилинди. Бунда партия гуруҳларининг доимий комиссиялар мажлислари ва сессиялар кун тартибига партиялар дастурий мақсадларига ҳамда доимий электорати манфаатларига мос таклифлар киритиш бўйича ташаббусларини кучайтиришнинг амалий механизмларини такомиллаштиришга эътибор қаратилди.

Тадбир давомида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг устувор давлат дастурлари ҳамда ҳудудлар иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш дастурларини амалга оширишдаги амалий иштироки қизғин муҳокама қилинди. Тўпланган тажрибага асосан, партия гуруҳларининг маҳаллий вакиллик органлари фаолиятига таъсир ўтказишнинг услубий жиҳатлари ҳам кўриб чиқилди. Бунда уларнинг жойларда қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларининг ижроси устидан депутатлик назоратини амалга оширишдаги амалий иштирокини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.



Маълумки, 2014 йилнинг декабрида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва Олий Мажлис қонунчилик палатасига сайловлар бўлиб ўтди. Сайловларда Ўзбекистон "Адолат" СДП Олий Мажлис қонунчилик палатасига 20 нафар, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига 11 нафар депутатлик ўрнига эга бўлган.

— Ўтган вақт мобайнида бизнинг депутатлик гуруҳимиз ҳам ўз ҳуқуқ ва ваколатларидан фойдаланган ҳолда бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда, — дейди "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Парида Парманова. — Жумладан, 2015 йил давомида Тошкент шаҳар Кенгашининг доимий комиссия ва сессияларига 3 та масала киритди. Мазкур масалалар бўйича доимий комиссия ва Кенгашнинг тегишли қарорлари қабул қилинди. Шу билан бирга, депутатларимиз томонидан 2015 йил давомида 85 та ҳамда 2016 йилнинг 1 чорагида 22 та депутатлик сўровлари мутасадди ташкилотларга берилди. Депутатлик гуруҳларини ташкил этишдан мақсад ҳам партия дастурий мақсадлари ва электорат манфаатларидан келиб чиқиб, жойлардаги долзарб масалаларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессиялари кун тартибига киритиш ва ижобий ҳал этишдан иборатдир. Умуман, мазкур семинар-тренинг партия депутат гуруҳи фаолиятининг самарадорлигини янада юксалишига хизмат қилади.

Тадбир доирасида сиёсий партиялар депутатлик гуруҳлари томонидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиялари ва доимий комиссия мажлислари кун тартибига киритилган масалалар, амалга оширилган депутатлик сўровлар ҳамда сайловчилар билан ўтказилган учрашувлар бўйича мониторинг натижалари атрофлича муҳокама этилди.

Семинарда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг парламент фракцияси ва Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлик гуруҳи аъзолари ўз сайлов округларида парламент ва депутатлик назоратини самарали ташкил этиш юзасидан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилди.

Семинар-тренинг давомида Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳудудий дастурларини амалга оширишда партия депутатлик гуруҳининг шаҳар, туман кенгашлари ва бошланғич партия ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш, депутатларнинг ўз сайлов округидаги сайловчилар мурожаатларини кўриб чиқишни ташкил этиш, аҳолини ўз фаолиятидан хабардорлигини ошириш мақсадида партия гуруҳининг маҳаллий ОАВ билан ўзаро ҳамкорлигини етарлича ташкиллаштириш масалаларига оид баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

Тадбир якунида иштирокчилар томонидан Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси дастурий мақсадлари, электорат манфаатлари ҳамда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастуридан келиб чиқиб, партиянинг депутатлик корпуси фаолиятини янада самарали ташкил этиш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Зиёда РАСУЛОВА

НЕФТЬ-ГАЗ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

– "Ўзбекистон нефть ва гази – OGU" халқаро кўргазмасида мунтазам иштирок этиб келамиз, – дейди Жанубий Кореянинг "KwangShin Machine" компанияси бош менежери Хо Жин Со. – Компаниямиз ҳаво ва газ компрессорлари, автомобилларга газ тўлдириш станциялари учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ўзбекистонда нефть-газ саноати соҳасида яратилган қулай сармоявий муҳит янги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш имконини бермоқда. Мазкур кўргазма ва конференция ўзбекистонлик ҳамкорларимиз билан кўп йиллик алоқаларимизни янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистонда нефть ва газ қазиб олишни кўпайтириш ҳамда энергетик хавфсизликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, мамлакатимиздаги эркин индустриал ва иқтисодий зоналарда яратилган қулай сармоявий муҳит ва имкониятлар, инновацион технологиялар, шунингдек, юртимизда давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизни ривожлантириш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар билан танишди.

Анжуманда нефть-газ саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, замонавий технологияларни кенг жорий этиш, соҳага сармоя киритиш, хизмат кўрсатиш, углеводород конларини ўрганиш ва ўзлаштиришни такомиллаштириш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, Ўзбекистон ҳудудида янги конларни аниқлаш, ишга тушириш, газни қайта ишлаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири

Миллий матбуот марказида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда оммавий ахборот воситаларининг ролига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Қонун ва ижро

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ташкил этилган тадбирда депутатлар, олий ўқув юртларининг журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари, талабалар, давлат ва жамоат ташкилотлари ахборот хизматлари раҳбарлари, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Р.Кушербоев, Журналистлар ижодий уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Ў.Мирзаёров ва бошқалар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини шакллантириш демократик жамиятнинг муҳим кўринишларидан бири эканини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилиши натижасида фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, оммавий ахборот воситаларининг фаоллиги ошиб бормоқда.

Оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асослари мустаҳкамланиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш давр талабларига уйғун тарзда такомиллаштирилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майда қабул қилинган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонуни бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришга хизмат қилаётир.

Тадбирда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб боришнинг ҳуқуқий асослари, ахборот хизматлари ишини самарали ташкил этиш, оммавий ахборот воситаларида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишни янада такомиллаштириш юзасидан маърузалар тингланди. Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтарилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

МУНОСИБ НОМЗОДЛАР САЙЛАНМОҚДА

Учтепа туманида ҳам фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ошкоралик ва муқобиллик тамойиллари асосида ўтказилмоқда.

Учтепа туманидаги "Журжоний" маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови ҳам демократик талаблар асосида ташкил этилди.

Мазкур маҳаллада тўрт мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла фаоллари томонидан фуқаролар йиғини раислигига 2 та, раис маслаҳатчилигига 22 та номзод тавсия этилди. Ушбу муҳим жараёнда маҳалла аҳли фаол иштирок этди. Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар билан очиқ мулоқотлар ўтказилди.

Маҳалла фуқаролар йиғини раислигига номзодлар Бахтинур Саидов ва Севара Нурмуҳамедованинг дастурлари ва режалари эшитилди. Номзодлар ўз дастурларида инсон манфаатларини таъминлашга йўналтирилган ислоҳотларни янада кучайтириш, маҳалла ободлиги, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш, она ва бола саломатлигини муҳофазалаш бўйича бир қатор таклифларни билдиришган.

Б.Саидов ўз дастурида ҳудудларни янада ободонлаштириш, тўй-маросимларни ихчам, камхарж қилиб ўтказиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатиш, ёшларни турли зарарли оқимлар таъсиридан асраш борасидаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратганлиги маҳалла аҳлига бирдай манзур бўлди.

Сайловда Б.Саидов энг кўп овоз олиб, "Журжоний" маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб қайта сайланди. Раис маслаҳатчилигига тавсия этилган 22 номзоддан 11 нафари маслаҳатчи лавозимига сайланди.

– Маҳалламиз аҳли иймон-эътиқодли, меҳр-оқибатли, – дейди Бахтинур Саидов. – Элюртга садоқатли, ватанпарвар фарзандларнинг камол топишида маҳалланинг ўрни, таъсири беқиёс. Халқимизнинг "Бир болага етти қўшни ота-она" деган мақолида ана шундай эзгу тушунчалар мужассам. Айни пайтда маҳалла ёшларининг бандлигини таъминлаш, уларнинг бўш вақтини тўғри ва мазмунли ташкил этиш, тадбиркорликка оид илғор ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, оила, маҳалла ва таълим муассасаси ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш сингари ҳаётий омиллар билан узвий боғлиқдир.

"Журжоний" маҳалласида очиқ, ошкоралик тамойилларига асосланиб ўтказилган сайлов мазкур маҳалла аҳлининг ҳамжиҳатлиги, ҳамкор ва ҳамиша бирдамлигидан дарак берди. Маҳалла нурли бир маскан, мўъжаз бир ошиён, унинг гуллаб-яшнашида, тинчлигида маҳалла оқсоқолларининг ўз ўрни бор. Қайта сайланган Б.Саидовнинг ҳам халқ фаровонлиги ва осойишталиги йўлида янада масъулият ва ўзига бўлган катта ишонч билан фаолият олиб бориб, эл олқишига сазовор бўлишини тилаб қоламиз.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

ЎЗАРО ҲАМЖИҲАТЛИК ЗАРУР

Пойтахтимизда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурини амалга оширишда ОАВнинг роли ва ўрни" мавзусига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан бир қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу тадбирдан ОАВда "Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади" ғоясини жамиятда қарор топтириш асосида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ушбу соҳаларда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш каби масалаларни мунтазам, тизимли ва кенг ёритишга қаратилган ишларни муҳокама қилиш каби бир қатор мақсадлар кўзланди.

Анжуманда депутатлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ахборот хизматлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, шунингдек, марказий ва ҳудудий ОАВ журналистлари иштирок этдилар.

Тадбирда сўз олган Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди директори А.Абдуллаев, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари М.Хўжаева, Журналистлар ижодий уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Ў.Мирзаёров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган тиббий-ижтимоий ислоҳотлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлаб ўтдилар.

Хусусан, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида бу борадаги ишлар кўлами кенгаймоқда. Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг оиладаги ва жамиятдаги ролини кучайтириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишга оид ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар кенгаймоқда. "Ёшларга оид давлат сиёсати" Қонуни лойиҳасини янги таҳрирда ишлаб чиқиш, аёлларга нисбатан жиноят қонунчилигини либераллаштиришга қаратилган Жиноят кодексига ўзгартишлар киритиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини юксалтириш, хусусан, перинатал ва скрининг марказлари, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти самарадорлигини ошириш, патронаж ҳамширалар, акушер-гинеколог ва педиатр кадрларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Анжуман иштирокчилари Давлат дастурида белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш давлат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамжиҳатликдаги ҳамкорлигига боғлиқлигини қайд этдилар.

Шу билан бирга анжуманда Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳақида маърузалар тингланди. Ушбу ислоҳотларни тизимли ва сифатли ёритиш, журналистларнинг касб малакаси ва маҳоратини ошириш, танқидий-таҳлилий мақолаларни кўпроқ беришга эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

Анжуман қатнашчилари ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоблар олишди, шунингдек, Давлат дастурини амалга ошириш устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатишда ОАВнинг роли масалаларида ҳам ўзаро фикр алмашдилар.

Анжуман якунида "Йилнинг энг фаол ахборот хизмати" республика танловининг якуний натижалари бўйича ғолиблар аниқланиб, уларга Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг совғалари ва махсус дипломлари топширилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Реклама ўрнида

AGROBANK

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида" Фармони муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

КРЕДИТ МАБЛАҒЛАРИ – ЮТУҚЛАРИМИЗ ОМИЛИ



Фармонга мувофиқ тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ортиқча аралашиш ва текширишлар камайтирилди. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш кўлами кескин ошди. Албатта, соҳага қаратилаётган эътибор, тадбиркорликнинг қўллаб-қувватланаётгани миллий маҳсулотларимизнинг кўпайишига, уларнинг рақобатбардошлигини ошишига, экспорт кўламининг кенгайиши ва янги иш ўринларининг яратилишига катта ҳисса қўшаётир.

Бу борада мамлакатимиз тижорат банклари томонидан ҳам бир қатор ижобий ишлар қилинмоқда. Хусусан, "Агробанк" АТБ томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг май ойига қадар барча манбалар ҳисобидан тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш мақсадида қарийб 300 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди. Ушбу маблағлар ҳисобидан кўплаб тадбиркорларнинг фаолияти яхшиланди, бир қатор янги иш ўринлари яратилди.

– Коллежни тамомлагач "Агробанк" АТБнинг Навбаҳор филиалидан 15 миллион сўм кредит олиб ўз тадбиркорлик фаолиятимни йўлга қўйдим, – дейди Дурдона Наврўзова. – Олинган маблағга иссиқхона ташкил этиб, қишда ва эрта баҳорда халқимиз дастурхонига янги сабзавот маҳсулотларини етказиб бермоқдамиз.

– Мамлакатимизда аёллар тадбиркорлигига катта эътибор қаратилмоқда, – дейди "CHEVAR IRODA" хусусий корхонаси раҳбари Сайёра Собирова. – Кўплаб енгиллик ва имкониятлар берилган, имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Хусусан, бизнинг фаолиятимиз яхшиланишига банк томонидан ажратилган кредитлар катта туртки бўлди. "Агробанк" АТБнинг Гурлан филиалидан тикувчилик цехи, савдо шохобчаси ва гўзаллик салони биносини реконструкция қилиш мақсадида 100 миллион сўм кредит олдик. Мазкур маблағ эвазига ишларимиз юришиб кетди. Бир нечта иш ўринлари яратдик. Ҳозирда аҳолига сифатли хизмат кўрсатиб келмоқдамиз.

Абдуалим САЛИМОВ
Хизматлар лицензияланган

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ДУШАНБА, 23

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 “Ассалом, Ўзбекистон!”
7.00 Миллий сериал: “Вақт қадри”.
7.30 “Ҳунар сирлари”.
7.50 “Иқлим”.
8.00 “Таҳлилнома”.
8.40 Миллий сериал: “Ҳаёт жилғалари”.
9.10 2016 йил – “Соғлом она ва бола йили”. “Нурли ришталар”.
9.30 “Чиннигул”. Т/с.
10.00 “Иқлим”.
10.15 “Ватанпарвар”.
11.00 “Ахборот”.
11.10 “Кучли фуқаролик жамияти сари”.
11.50 “Иқлим”.
12.00 “Ассалом, Ўзбекистон!”
13.00 “Чақмоқлар”. Х/ф.
14.00 “Ахборот”.
14.15 “Зиё” студияси: “Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида”.
14.45 “Менинг боғим”.
15.05 “Иқлим”.
15.10 “Мўъжизалар макони”.
15.35 “Бизнес старт”.
16.00 “Заковат”.
17.00 “Ахборот”.
17.10 “Суҳбатдош”.
17.25 “Руҳшунос”. Т/с.
18.10 “Иқлим”.
18.20 “Имконият”.
18.40 “Севги сароблари”. Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 “Ахборот” /рус/.
20.05 “Чиннигул”. Т/с.
21.00 “Ахборот”.
21.40”. Муносабат”. Ток-шоу.
22.25 – 23.55 “Севги ўгитлари – 2”. Б/ф.
23.55 “Имконият”.
00.15 Миллий сериал: “Ҳаёт вальси”.
00.45 “Шарқ тароналари”.
1.00 “Ахборот” /рус/.
1.30 “Ассалом, Ўзбекистон!”
2.30 “Заковат”.
3.30 “Фусункор нақшлар”.
4.00 “Ахборот”.
4.40 Миллий сериал: “Ҳаёт жилғалари”.
5.10 – 5.55 “Ватанпарвар”.

Ёшлар

6.00 “Ватан меҳри”.
6.10 “Капитан Хорнблауэр”. Б/ф. 8-қисм.
7.50 “13-студия”.
8.10 “Пуаро”. Т/с.
9.50 “Телетуҳфа”.
10.00 “Камолот-инфо”.
10.10 “Келин”. Т/с.
11.00 “Юрт келажаги”.
11.40 “Соғлом ҳаёт”.
12.00 “Шаҳзода”. Т/с.
12.50 “UzEX”.
13.00 “Давр”.
13.10 “Мўъжизавий дунё”.
14.10 “Қилни қирқ ёриб”. Т/с.
15.50 “UzEX”.
16.00 “Давр”.
16.10 “Бир қадам”. Т/с.
17.00 “Камолот-инфо”.
17.10 “Имкон-шоу”.
17.50 “Сеҳрли тош”. Т/с.
18.50 “UzEX”.
19.00 “Давр”.
19.30 “Келин”. Т/с.
20.20 “Нуқтаи назар”.
21.00 “Шаҳзода”. Т/с.
21.50 “Телетуҳфа”.
22.00 “Давр”.
22.30 “Гирдоб”. Т/с. Премьера.
23.40 “Табиат қўшиғи”.
00.10 “Оналар мактаби”.
00.50 “Шарқ гавҳари”.
5.30 – 6.00 “Давр”.

Тошкент

5.55 “Ягонасан, муқаддас Ватаним!”
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00. “Poytaxt”.
6.20 Миллий сериал: “Фидойилар”.
6.55 “Тошкент вақти”.
9.10 “Севгим менинг – андуҳим менинг”. Т/с.
9.50 “Poytaxt-sport”.
10.15 “Анъеза. Ривамброзага қайтиш”. Т/с.
11.15 “Poytaxt-avto”.
11.25 “Обод хонадон”.
11.45 “Пойтахт-культура”.
12.15 Миллий сериал: “Фидойилар”.
12.50 “Пойтахт- Hi-tech”.
13.10 “Телетаҳлил”.
13.35 “Мобиль камера”.
13.45 “Poytaxt-reportaj”.
14.10 “Тошкент вақти”.
15.10 “Танҳо малагим”. Т/с.
15.50 “Poytaxt-sport”.
16.15 “Муҳаббат қиссаси”. Б/ф.
17.45 “Пойтахт-репортаж”.
18.15 “Ишга марҳамат!”
18.20 “Пойтахт-авто”.
18.30 “Ҳимоя”.
18.50 “Пойтахт – Hi-tech”.
19.00 “Телемаркет”.
19.15 “Севгим менинг – андуҳим менинг”. Т/с. /Премьера/.
20.20 “Танҳо малагим”. Т/с. /Премьера/.
21.00 “Очиқ мулоқот”дан сўнг”.
21.30 “Poytaxt-eko”.
21.45 “Телемаркет”.
22.25 “600 килограмм золото”. Х/ф.
00.05 “Пойтахт-культура”.
00.15 “Ҳикматли дунё”. “Бахт ови”.
1.00 “Poytaxt-eko”.
1.10 “Бахт қўрғони”.
1.40 “Пойтахт-авто”.
1.50 “Мобильная камера”.
2.10 “Очиқ мулоқот”дан сўнг”.
2.35 “Мен сизга айтсам”.
3.35 “Эртамиз эгалари”.
3.55 – 5.55 “Тошкент вақти”.

Спорт

6.00 “Хайрли тонг!”
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 “Қорақалпоқ спорти”.
6.30 “Орзулар кемаси”.
7.00 “Sport online”.
8.00 Талқин.
8.35 Интерфутбол.
10.25 Хоккей. Жаҳон чемпионати.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 “Sport online”.
13.05 “Техноспорт”.
13.20 “Спорт сайёраси”.
13.40 Хабарлар.
14.00 Теннис. Франция очиқ чемпионати. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
17.05 “Болалар спорти”.
17.35 От спорти. “Туркистон юлдузи”.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 “Универсиада”.
18.30 Хабарлар.
18.55 Регби. Осиё чемпионати.
20.25 “Спорт – маркет”.
20.30 Хабарлар.
20.55 “ФИФА”. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
22.30 Хоккей. Жаҳон чемпионати.
00.05 Профессионал бокс.
1.00 Хабарлар.
1.25 Сув спорти. Европа чемпионати.
2.30 “Жозиба”.
3.00 – 6.00 Теннис. Франция очиқ чемпионати.

Маҳалла

6.00 “Ватан мадҳи”.
6.05 Миллий сериал. “Опа-сингиллар”.
6.40 “Турфа маслаҳат”.
7.00 Миллий кино. “Ёлғон дунё”.
8.25 “Теран илдизлар”.
8.45 “7 кун нафаси”.
9.00 “TV анонс”.
9.05 “Бир куни маҳалламизда”. Теленовелла.
9.45 “Нафс исканжасида”.
10.10 “Маҳалламиз спортчилари”.
11.00 “Фотокўзгу”.
11.05 “Мўъжаз Ватан”.
11.25 “Эзгу сўз, эзгу амал”. Ток-шоу.
12.05 “Маҳалламиз маликаси”.
12.55 Кун нафаси.
13.00 Миллий кино. “Афюн гирдоби”.
14.15 “Кўнгилдаги гаплар”.
15.00 Миллий сериал. “Иззат”.
15.30 “Ноёб институт”.
15.55 Кун нафаси.
16.00 Миллий сериал. “Бедор туйғулар”.
16.40 “Фермер”.
17.05 “TV анонс”.
17.10 “Тараддуд”.
17.35 “Очиқ дарс”.
17.55 “Кун нафаси”.
18.00 “Менинг маҳаллам”.
18.30 “Қадр топган қадриятлар”.
19.00 Миллий сериал. “Чархпалак”.
19.35 “Чироғи ёниқ уй”.
20.00 “Халқ виждони”.
20.50 “Кун нафаси”.
21.00 Миллий кино. “Эр бермоқ, жон бермоқ”.
22.30 “TV анонс”.
22.35 “Тунги репортаж”.
22.55 “Фотокўзгу”.
23.00 “Кун нафаси”.
23.10 “Маҳалламиз Зулфиялари”.
23.35 “Обод маҳалланинг бахтли оиласи”.
00.00 “Ватан мадҳи”.
00.05 Миллий сериал. “Опа-сингиллар”.
00.40 “Нуроний фасл”.
1.05 Миллий кино. “Афюн гирдоби”.
2.20 “Иш билганга минг танга”.
2.50 “Юритим манзаралари”.
3.00 Миллий сериал. “Иззат”.
3.35 “Идрок харитаси”.
4.00 Миллий сериал. “Бедор туйғулар”.
4.40 “Мисли гавҳар”.
5.05 – 6.00 “Бола бошидан”.

Болажон

7.00 “Салом, болажон!”
7.10 “Болажон гимнастикаси”.
7.20 “Қувноқ стартлар”.
7.40 “Мультипанорама”.
8.30 “Ланди-ланди”.
8.50 “Мультипанорама”.
10.10 “ABC-kids”.
10.30 “Қувноқ алифбо”.
11.00 “Болалар учун фильм”.
12.00 “Худойберди бобо меҳмонда”.
12.20 “Қўғирчоқлар театри”.
13.00 “Саргузаштлар ороли”.
13.30 “Миттивойлар оиласи”.
13.50 “Сеҳрли қўллар”.
14.10 “Болалар учун фильм”.
15.40 “Табиатга саёҳат”.
15.50 “Ширинтой-кичкинтойлар”.
16.10 “Мультипанорама”.
17.30 “Bravo English”.
18.00 “Мунчоққўз болажон”.
18.10 “Мультипанорама”.
19.30 “Миттивойлар мусобақаси”.
19.50 “Қувноқ стартлар”.
20.10 “Мультипанорама”.
21.00 “English World”.
21.10 “Рассом болажон”.
21.30 “Эртакчи болажонлар”.
21.50-22.00 “Хайрли тун”.

Кинотеатр

6.00 “Юрт мадҳи”.
6.05 “Ўнгидан келган туш”. Б/ф.
7.45 Миллий кино. “Турист”.
9.20 Саргузашт фильмлар экрани. “Япон воқеаси”.
11.00 “Перелом”. Х/ф.
13.00 Кундузги сериал. “Реставратор”.
13.55 “Тўйдан олдин можаро”. Б/ф.
15.45 Болалар экрани. “Менинг қаттиққўл энагам”.
17.20 “Елланма қотил”. Б/ф.
19.00 “Саргузаштлар ороли”. Т/с.
19.50 Миллий кино. “Пойма-пой”.
21.30 “Ҳафта юлдузи”. Жан Клод Ван Дамм.
21.50 Жаҳон киноси. “Кикбоксёр”. Премьера.
23.25 Миллий кино.
00.00 “Юрт мадҳи”.
00.05 “Поиск”. Х/ф.
1.40 “Марсга саёҳат”. Б/ф.
3.25 “Кўринмас одам”. Б/ф.
4.50 -6.00 Миллий кино. “Аросат”.

СЕШАНБА, 24

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 “Ассалом, Ўзбекистон!”
7.00 Миллий сериал: “Вақт қадри”.
7.30 “Кўнгил ободлиги”.
8.00 “Ахборот”.
8.40 Миллий сериал: “Ҳаёт жилғалари”.
9.10 “Суҳбатдош”.
9.25 “Иқлим”.
9.30 “Чиннигул”. Т/с.
10.00 “Иқлим”.
10.15 “Ойдин ҳаёт”. Ток-шоу.
11.00 “Ахборот”.
11.10 “Ҳунар сирлари”.
11.30 “Гап”. Б/ф.
12.00 “Ассалом, Ўзбекистон!”
12.50 “Онажоним – онажонгинам”. Б/ф.
14.00 “Ахборот”.
14.15 “Кўрганларимиз ҳақида”.
14.40 “Таҳлил – 25”.
15.05 “Иқлим”.
15.15 “Муносабат”. Ток- шоу.
16.00 “Тезкор хабарлар”.
16.10 “Устурлоб”.
16.30 “Ахборот”. /Инглиз/.
16.40 “Қорачиқ”.
17.00 “Ахборот”.
17.10 “Агроолам”.
17.30 “Руҳшунос”. Т/с.
18.15 “Иқлим”.
18.20 2016 йил – “Соғлом она ва бола йили”. “Нурли ришталар”.
18.40 “Севги сароблари”. Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 “Ахборот” /рус/.
20.05 “Чиннигул”. Т/с.
21.00 “Ахборот”.
21.40 “Бизнес старт”.
22.05 – 00.00 “Денгиз бўйида”. Б/ф.
00.00 2016 йил – “Соғлом она ва бола йили”. “Нурли ришталар”.
00.20 Миллий сериал: “Ҳаёт вальси”.
00.50 “Шарқ тароналари”.
1.00 “Ахборот” /рус/.
1.30 “Ассалом, Ўзбекистон!”
2.30 “Оқибат”. Спектакль. 1-қисм.
3.10 “Кўрганларимиз ҳақида”.
3.35 “Гап”. Б/ф.
4.00 “Ахборот”.
4.40 Миллий сериал: “Ҳаёт жилғалари”.
5.10 “Агроолам”.
5.30 – 5.55 “Бизнес старт”.

Ёшлар

6.00 “Ватан меҳри”.
6.10 “Санников ери”. Б/ф.
7.40 “13-студия”.
8.10 “Пуаро”. Т/с.
9.50 “Телетуҳфа”.
10.00 “Давр”.
10.10 “Келин”. Т/с.
11.00 “Нуқтаи назар”.
11.40 “Ёшлар ва ҳуқуқ”.
12.00 “Шаҳзода”. Т/с.
12.50 “UzEX”.
13.00 “Давр”.
13.10 “Мўъжизавий дунё”.
14.10 “Қилни қирқ ёриб”. Т/с.
15.50 “UzEX”.
16.00 “Давр”.
16.10 “Бир қадам”. Т/с.
16.50 “Давр мавзуси”.
17.10 “Имкон-шоу”.
17.50 “Сеҳрли тош”. Т/с.
18.50 “UzEX”.
19.00 “Давр”.
19.30 “Келин”. Т/с.
20.20 “Оналар мактаби”.
21.00 “Шаҳзода”. Т/с.
21.50 “Телетуҳфа”.
22.00 “Давр”.
22.30 “Гирдоб”. Т/с.
23.40 “Сўз ёшларга”.
00.10 “Афсона ва ҳақиқат”.
3.00 “Шарқ гавҳари”.
4.30 “Мўъжизавий дунё”.
5.30 – 6.00 “Давр”.

Тошкент

5.55 “Ягонасан, муқаддас Ватаним!”
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00. “Poytaxt”.
6.20 Миллий сериал: “Фидойилар”.
6.55 “Тошкент вақти”.
9.10 “Севгим менинг – андуҳим менинг”. Т/с.
9.50 “Poytaxt-sport”.
10.15 “Анъеза. Ривамброзага қайтиш”. Т/с (Якунловчи)
11.15 “Рангли телевизор”.
12.15 Миллий сериал: “Фидойилар”.
12.50 “Пойтахт – Hi-tech”.
13.15 “Кўзгудаги Биз”.
13.45 “Poytaxt-eko”.
14.10 “Тошкент вақти”.
15.10 “Танҳо малагим”. Т/с.
15.50 “Poytaxt-sport”.
16.15 “Оушеннинг 13 дўсти”. Б/ф.
18.15 “Ишга марҳамат!”
18.50 “Пойтахт – Hi-tech”.
19.00 “Телемаркет”.
19.15 “Севгим менинг – андуҳим менинг”. Т/с. /Премьера/.
20.20 “Танҳо малагим”. Т/с. /Премьера/.
21.00 “Телетаҳлил”.
21.30 “Poytaxt-madaniyat”.
21.45 “Телемаркет”.
22.20 “Предел риска”. Х/ф.
00.05 “Пойтахт-культура”.
00.15 “Кўзгудаги Биз”.
00.45 “Мобильная камера”.
1.00 “Poytaxt-reportaj”.
1.15 “Кўнгил ҳайратлари”.
1.45 “Poytaxt-eko”.
2.15 “Сифат назорати”.
2.45 “Мен сизга айтсам”.
3.20 “Профессионал”.
3.40 “Пойтахт – Hi-tech”.
3.55 – 5.55 “Тошкент вақти”.

Спорт

6.00 “Хайрли тонг!”
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 “Универсиада”.
6.35 “Болалар спорти”.
7.00 “Sport online”.
8.00 Хабарлар.
8.15 “ФИФА”.
9.45 Хоккей. Жаҳон чемпионати.
11.15 “Шоҳсупага йўл”.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 “Sport online”.
13.05 “Техноспорт”.
13.20 “Спорт сайёраси”.
13.40 Хабарлар.
14.00 Теннис. Франция очиқ чемпионати. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
17.10 “Ифтихоримсан, спорт”.
17.35 “Мураббий”.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 “Камолот спорт”.
18.30 Хабарлар.
18.45 Футбол. Осиё чемпионлар лигаси “Локомотив” (Ўзбекистон) – “Ал-Ҳилол” (Саудия Арабистони). Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
20.55 “Спорт – маркет”.
21.00 Хабарлар.
21.25 “Ring”.
22.00 Дзюдо. Халқаро турнир.
23.10 Велоспорт.
00.05 Баскетбол.
1.20 Хабарлар.
1.45 Сув спорти. Европа чемпионати.
2.45 “Техноспорт”.
3.00 – 6.00 Теннис. Франция очиқ чемпионати.

Маҳалла

6.00 “Ватан мадҳи”.
6.05 Миллий сериал. “Опа-сингиллар”.
6.40 “Тунги репортаж”.
7.00 Миллий кино. “Эр бермоқ, жон бермоқ”.
8.30 “Кун нафаси”.
8.40 “Чироғи ёниқ уй”.
9.05 Миллий сериал. “Чархпалак”.
9.40 “Қадр топган қадриятлар”.
10.05 “Халқ виждони”.
10.55 “Юртим манзаралари”.
11.00 “Менинг маҳаллам”.
11.30 “TV анонс”.
11.35 “Очиқ дарс”.
12.00 “Изҳор”.
12.05 “Қайнона бисотидан”.
12.30 “Фотокўзгу”.
12.35 “Теран илдизлар”.
12.55 “Кун нафаси”.
13.00 Миллий кино. “Учинчи муаммо”.
14.05 “Изҳор”.
14.10 “Маҳалламиз спортчилари”.
15.00 Миллий сериал. “Иззат”.
15.30 “Турфа маслаҳат”.
15.55 “Кун нафаси”.
16.00 Миллий сериал. “Аммажоним-аммажон”.
16.40 “Эзгу сўз, эзгу амал”. Ток-шоу.
17.30 “Маҳалламиз болалари”.
17.55 “Кун нафаси”.
18.00 “Табаррук анъана”.
18.25 “TV анонс”.
18.30 “Кучли фуқаролик. жамияти сари”.
19.00 Миллий сериал. “Чархпалак”.
19.35 “Маҳалламиз Зулфиялари”.
20.00 “Биламизку, аммо”.
20.25 “Обод маҳалланинг бахтли оиласи”.
20.50 “Кун нафаси”.
21.00 Миллий кино. “Кореялик келин”.
22.30 “TV анонс”.
22.35 “Табиат шифохонаси”.
23.00 “Кун нафаси”.
23.10 “Ён қўшним – жон қўшним”.
23.35 “Соғлом турмуш”.
00.00 “Ватан мадҳи”.
00.05 Миллий сериал. “Опа-сингиллар”.
00.40 “Мисли гавҳар”.
1.05 Миллий кино. “Учинчи муаммо”.
2.05 Ҳужжатли фильм.
2.15 “Кўнгилдаги гаплар”.
3.00 Миллий сериал. “Иззат”.
3.35 “Истеъдод”.
